

### Ўзбекистон-Эстония: ишбилармон доира вакилларининг ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва унинг янги босқичи

*Ўзбекистон - Эстония мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари сўнгги йилларда кенгайиб, сиёсий мулоқотлар даражаси оширилмоқда, савдо-иқтисодий, сармоявий, технологик, илмий-маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгроқ ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Айниқса, икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида бизнес-семинарлар ва кооперация биржалари ташкил этилиши асосида таълим, ИТ, транспорт ва логистика, ишлаб чиқариш, машинасозлик, порт хизматлари, саноат ва иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ҳамкорлик алоқалари ошиб бормоқда.*

#### Ҳамкорлик асослари ва бугун

2021 йил апрель ойида Эстониянинг Рийгикогу шаҳрида Ўзбекистон парламенти билан дўстлик гуруҳи ташкил этишга муваффақ бўлинган. Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта Эстония Рийгикогу парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳ тузилган. Мазкур ҳамкорлик институтининг жорий этилиши парламентларо ҳамкорлик, халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида давлатларимизнинг кўп томонлама саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун асосий музокара майдонларидан бири бўлди.

Бизнес йўналишидаги ҳамкорлик жараёнларига назар солсак, Ўзбекистон – Эстония мамлакатларо экспорт ҳажми ошиб бормоқда. 2022 йилда Эстониянинг Ўзбекистонга экспорт қилган асосий товарлари темир ва темир йўл маҳсулотлари (12,7 миллион доллар), йирик қурилиш машиналари (8,83 миллион доллар) ва юк машиналари (7,06 миллион доллар) бўлди. Сўнгги 27 йил ичида Эстониянинг Ўзбекистонга экспорти йиллик суръат билан 11,3 фоизга ошди, яъни 1995 йилдаги 5,24 миллион доллардан 2022 йилда 94,3 миллион долларга етди.

Ўзбекистон Эстонияга 26,7 миллион АҚШ доллари экспорт қилди. Экспорт қилинган асосий маҳсулотлар молибден (7,64 миллион доллар), кўмир мойи (6,68 миллион доллар) ва қайта ишланган нефть (4,63 миллион доллар) бўлди. Сўнгги 27 йил ичида Ўзбекистоннинг Эстонияга экспорти йиллик 3,75 фоизга ўсди, яъни 1995 йилдаги 9,9 миллион доллардан 2022 йилда 26,7 миллион долларга етди.

2023 йилнинг март ойида илк бор икки мамлакат таълим, ИТ, логистика, ишлаб чиқариш ва дистрибуторлик соҳалари вакиллари иштирокида

“Ўзбекистон – Эстония бизнес форуми” ташкил этилди. Ушбу форум мазкур йўналишларда кенг ҳамкорликка асос яратди.

### **"Ўзбекистон - Эстония халқаро бизнес форуми – 2024"**

Жорий йилнинг **14 март** куни Ўзбекистонга Эстония ишбилармонлар делегация ташриф буюрди. Пойтахтимиздаги **Халқаро Нордик университети**да Эстония ташқи ишлар вазирлиги ва Эстония савдо-саноат палатаси кўмагида **“Ўзбекистон – Эстония халқаро бизнес форуми”** ташкил этилди. Ушбу бизнес форум ва ишбилармон доиралар ташрифи икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорликнинг узвий давоми, мустаҳкамлаш омили бўлди, десак муболаға бўлмайди. Янги глобал шароитда ҳар икки мамлакат бизнес раҳбарларини келажак мақсадлари йўлида бирлаштиришга хизмат қилди.

Ушбу нуфузли форумда икки давлат вазирлик ва идоралари, етакчи эстон компаниялари, хусусан, , "Elvarem OÜ CNC", "Good Staff Solution OÜ", "Numero Advertising OÜ", "PROisolatsioon OÜ", "Osaühing Renecta Properties", "URETEK Baltic OÜ", "Betafish OÜ", "AS Morrision Invest" ва "Creafin Forward OÜ" ва “Group Logistics OÜ” каби компаниялар директорлари ҳамда мутахассислари, шунингдек республикамизнинг бизнес ва тадбиркорлик вакиллари иштирок этдилар.

**Форумнинг асосий мақсадлари** ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ташриф буюрган етакчи компаниялар билан қўшма лойиҳаларни илгари суриш, тадбиркорликнинг турли соҳаларида Эстониянинг илғор тажрибасини юртимизга олиб кириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилди. Ҳар икки давлатда ишбилармонлар учун намунали стартап муҳитини яратиш, ўзаро бой тажрибалар алмашиш, ҳамкорликни келгусида ҳам изчил давом эттириб, Эстониянинг, айниқса, дунёдаги энг зўр рақамли инфратузилмалар куриш тажрибаларини ўрганиш, кадрлар тайёрлаш ва стажировкалар ташкиллаш борасида ҳам муҳим қадамлар қўйилди.

Форумда расмий доиралар, бизнес ва ишбилармон вакиллар томонидан савдо-иқтисодий, импорт-экспорт ва молиявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи муҳокама қилинди. Ҳар икки мамлакат компанияларининг иқтисодий муносабатларини кенгайтириш масалаларида сўз борди.

— *Сўнги йилларда Эстония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда ижобий тенденция кузатилаётганини таъкидлаш ўринли. Иқтисодиёт ва таълим соҳаларидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди, - дейди бизнес форумда иштирок этган Эстония Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси*

**Тоомас Тирс.** — Ушбу форум иқтисодий имкониятлар ва сармоявий салоҳият ҳақида маълумот алмашиш, нафақат иқтисодий, ўқитиш ва таълим соҳаларида ҳам тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликка асос бўлди. Келгусида икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, Ўзбекистон ва Эстония ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари янада мустаҳкамлашининг янги йўналишлари белгилаб олинди.

Эстония ишбилармонлари билан ўзаро мулоқотлар маҳаллий тадбиркорларимизга Шарқий Европа компанияларининг умумий ресурслари ва тажрибасидан фойдаланган ҳолда бизнесни кенгайтириш учун янги имконият ва янги бозорлар сари йўл очади. Бизнес юритишининг ўзига хос жиҳатлари бўйича маслаҳатлар олиш, келгусида инновацион иқтисодиёт борасида интеграцияга эришиш, технологик ҳамкорлар топиш, халқаро бозорлар сари фаолиятни кенгайтиришга муҳим пойдевор қўйилади. Бир сўз билан айтганда, форум доирасидаги очиқ муҳокамалар, B2B музокаралар янги имкониятлар дунёсини очишига аминмиз.

Бизнес форумда делегатларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тақдимотлари, таклифлари тингланди. "URETEK Baltic OÜ" геотехник муҳандислик компанияси бошқарув кенгаши аъзоси Roman Reiner-Latõšev илғор тажрибаларини етказди. Тузилма ва инфратузилмалар учун тежамкор ечимлар яратиш, потенциал ҳамкорлар билан маҳаллий геотехника бўлимини ташкил этиш таклифини илгари сурди.

"PROisolatsioon OÜ" изоляция ва қурилиш материаллари ва лойиҳалар сотишга ихтисослашган компания асосчиси ва бош директори Алар Калмус ўз фаолияти мисолида барқарор эстон ечимлари бўйича тақдимотни амалга оширди. Ўзбекистонда ушбу тизимга олиб кириши мумкин бўлган янги технологиялар хусусида маълумотлар берди.

Эстониянинг "Osaühing Renecta Properties" компанияси бошқарув кенгаши аъзоси Максим Абеиков ўғир саноат товарлари, юклар савдоси ва Эстония портлари орқали юклар ташиш, импорт ва экспортга кўмаклашиш бўйича ўз хизматларини таклиф этди. "Numero Advertising OÜ" ихтисослашган реклама агентлиги бош директори Владимир Помукчинский ўз тақдимотида Европа ва Осиё бозорлари ўртасида ҳамкорларни боғловчи, брендлар стратегиялари учун PR ва рақамли монетизация масалаларига тўхталди.

Шунингдек, "Creafin Forward OÜ" вакили форум иштирокчиларининг эътиборини Европа ва МДХ давлатлари ўртасида юқори сифатли автомобил транспорти, Европа ва Болтиқбўйи мамлакатлари бўйлаб импорт ва экспорт занжири таъминоти ечимлари билан боғлиқ хизматларга қаратди.

Форум доирасида етакчи эстон компаниялари билан маҳаллий бизнес вакилларининг **B2B музокаралари** ташкил этилди, ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзолашлари, келажакда истиқболли лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилишларига шарт-шароит яратилди. Ҳамкорликда хорижий тажрибалар ва технологияларга асосланган қўшма савдо объектларини яратиш, иқтисодий соҳаларда юқори малакали кадрлар алмашиш каби қатор йўналишларда кооперация алоқаларини ўрнатиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Музокараларда Эстония давлатининг электрон бизнес реестри расмий портали - "Good Staff Solution OÜ" директори Вадим Ракитин Эстонияда рўйхатдан ўтган барча юридик шахсларнинг маълумотларини ягона муҳитда бирлаштирувчи портал ҳақида маълумотлар берди. Ўзбекистонлик иш берувчилар билан ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилди. Портал орқали электрон тадбиркорлик реестрида тез ва қулай тарзда рўйхатдан ўтказиш, иш берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги масъули Абдулазиз Ҳакимов хорижий ишбилармонларни Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари салоҳияти, умумий демографик тенденциялар, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими босқичлари ва бошқа статистик маълумотлар билан таништирди.

"Elvarem OÜ CNC" бош директори Никита Сорока машинасозлик, металл конструкциялар ва механик ишлов бериш хизматларини таклиф этди. Ҳар икки давлат ишбилармон доиралари истиқболли лойиҳалар бўйича ҳамкорликка келишдилар.

Бизнес форумда илгари сурилган мавзулар, таклифлар доирасида муҳокамалар бўлиб ўтди. Форум эстон ишбилармон доира вакилларининг мамлакатимизда бизнес юритишга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилди. Хорижий меҳмонлар мамлакатимиздаги солиқ ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимлари, имкониятлари билан қизиқдилар ва зарур маълумотларга эга бўлдилар.

### **Нега айнан Эстония?**

— *Дунё Болтиқбўйи минтақасини учта алоҳида давлат сифатида эмас, балки бир бутун сифатида кўриши мумкин. Компанияларимизнинг нафақат Эстонияда, балки Латвия ва Литвада ҳам муваффақиятли ривожлана оладиган кўплаб тармоқлари мавжуд. Шунинг учун сиз маълумот олишингиз ва тажриба алмашишингиз мумкин бўлган бундай форумлар ўсиши ва ривожланиши учун жуда фойдали, — дейди халқаро бизнес форумда иштирок этган Эстония Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Margus Pimjärvi. — Эстония округларида энергетика, металлга*

*ишлов бериш, тўқимачилик саноати, логистика ва бошқалар каби бизнес соҳаларини жамлаган. Худудий жойлашувимиз Эстониянинг ўзида ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларида бизнес учун кенг имкониятлар очади. Яқин атрофдаги Болтиқ денгизи Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо учун яхши транспорт алоқаларини таъминлайди.*

Эътироф этиш жоиз:

***Болтиқ денгизи бўйида жойлашган, пойтахти Таллин шаҳри бўлган Эстония Республикаси электрон ҳукуматни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича Европа ҳамда дунёдаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.***

Аҳолига кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 600 дан ортиқ, тадбиркорларга кўрсатиладиган давлат хизматлари сони эса 2400 дан ортиқдир. Шунингдек, Эстония коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг ўзига хос тажрибалари билан дунёда энг хавфсиз давлатлардан бири ҳисобланади. Хорижий тадбиркорлар ва мутахассисларга стартап-визалар бериш дастурларининг амалдалиги ҳам ушбу мамлакат ишбилармон доиралари билан ҳамкорликка кенг имкониятдир.

Таълим, ўқитиш соҳаларига назар солсак, шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, 2022 йилда Халқаро талабаларни баҳолаш дастури (PISA) тести натижалари эстониялик ўқувчиларнинг келажакни шакллантириш қобилиятига ишончини намоён эта олувчи илғор ёшлар бўлиб улғаяётганини кўрсатди. 15 ёшли ўқувчиларнинг математика, ўқиш ва табиий фанлар бўйича билим ва кўникмалари ўрганилганда тестдан муваффақиятли ўтдилар. Улар ўзларининг ақл-заковати ва қобилиятларини яхшилаш йўлида кучли мотивацияга эгаликлари намоён бўлди.

Эстония мактаб, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимлари сифати, мослашувчанлиги ва замонавий саноат эҳтиёжларига мослиги билан ажралиб туради. Шунингдек, PISA натижаларига кўра Эстониянинг аҳолиси жон бошига энг кўп стартаплар тўғри келган, стартап-мамлакат сифатидаги кўрсаткичлари юқорилиги ўз ифодасини топган.

Эстония таълим вазирининг эътирофича, "рақамлаштириш ҳеч қачон ўз-ўзидан тугамайди". Шу боис Эстония таълим технологиялари дунёни забт этмоқда. Эстониялик дастурчилар талабаларга сунъий интеллектни ўргатишга пухта тайёрланмоқдалар. Эстония бу борада энг яхши амалиётлар, IT-хизмат провайдерлари ва ҳукумат экспертларига эга.

Эстония 1,3 миллион аҳолига эга, бу эса ички бозорнинг кичиклигини ифодалайди. Шунинг учун товар ва хизматлар экспорти Эстония ялпи ички

маҳсулотининг деярли 80 фоизини ташкил этади. Саноат сектори жами экспортнинг 70 % ни ташкил қилади.

Эстонияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 80 фоизи Европага экспорт қилинади. Асосий экспорт ҳамкорлари Финляндия, Швеция ва Латвия каби қўшни давлатлар, Германия ва АҚШ каби узоқроқда жойлашган мамлакатлар. Эстониянинг энг йирик экспорти электр жиҳозлари (жумладан, юқори технологияли маҳсулотлар), минерал маҳсулотлар, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, машиналар ва механик курилмалардир. Энг йирик хизматлар экспортига транспорт ва омбор хизматлари, ахборот ва алоқа хизматлари киради.

### **Эстонияда ўқувчилар ва талабалар ҳаёти қандай?**

Эстонияда иммиграцион ва ноиммиграцион талабалар ўртасидаги ўртача муваффақият фарқи иммиграцион талабалар фойдасига 25 баллни ташкил этади. PISA махсус наشريнинг маълумотларига кўра Эстонияда барча маълумотлар белгиланган сифат стандартларига жавоб берди ва ҳисобот бериш учун мос деб топилди. Талабаларнинг 40 фоизи (энг катта улуш) ижтимоий-иқтисодий миқёсда юқори халқаро квинтилда эди, яъни улар 2022 йилда Пиза тестини топширган энг афзал талабалар қаторига кирган. Уларнинг математикадан ўртача бали 544 ни ташкил этди. Бу ўхшаш ижтимоий-иқтисодий мақомга эга бўлган талабалар учун энг юқори кўрсаткичлардан бири.

Эстонияда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан устун бўлган талабалар (ижтимоий-иқтисодий аҳвол бўйича энг яхши 25 %) математикадан 81 баллга кам таъминланган ўқувчилардан (25 %) ўзиб кетишди. Бу ОЕСД (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) мамлакатларидаги икки гуруҳ ўртасидаги ўртача фарқдан (93 балл) камроқ.

2012 ва 2022 йиллар оралиғида Эстонияда ижтимоий-иқтисодий мақомга эга бўлган ўқувчиларнинг энг юқори ва қуйи 25 фоизи ўртасидаги математика ютуқлари орасидаги фарқ ошди, ОЕСД мамлакатлари ўртасидаги ўртача тафовут барқарор бўлиб қолди. Мамлакатдаги ўқувчиларнинг тахминан 13 % математикадан яхшироқ натижа кўрсатди, яъни улар PISA математика имтиҳонида 5 ёки 6 даражага эришдилар (ОЕСД ўртача: 9 %). PISA-2022да қатнашган 81 мамлакат ва иқтисодларнинг фақат 16 тасида ўқувчиларнинг 10 % дан ортиғи 5 ёки 6 даражага эришган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, электрон ҳукумат бўйича дунё рейтингда етакчи бўлиб турган Эстония мамлакатининг таълим соҳаси, тадбиркорлик ва бизнес соҳалари вакиллари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш юртимизда белгиланган марраларга эришишни тезлаштиришда кўл келиши, шубҳасиз. Шу маънода, ХНУда ўтказилган

бизнес форум доираси олинган тажрибалардан Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирларни янада жонлантиришда унумли фойдаланиш, мақсадга мувофиқдир.

Халқаро Нордик университети Ўзбекистон-Эстония доиралари ўртасида халқаро ҳамкорлик, тажрибалар алмашиш, қизғин муҳокама ва хулосалар, келишувлар учун янги глобал платформа вазифасини ўташга доимо шайдир.

**Шерзод МУСТАФАКУЛОВ,**  
**Халқаро Нордик университети ректори,**  
**профессор**